



2018-YIL 1-FEVRAL,
PAYSHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

13
(16171)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

YOSHILAR OVOZI

MUNOSABAT

ПРЕЗИДЕНТ МЕНГА ИШОНДИ

Буюк шоиримиз, Ўзбекистон Республикаси Давлат маданияти муаллифи Абдулла Орипов сермахсул ижоди билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган. У Қашқадарё элининг фарзанди экани бизга гурур бағишлайди. Шоир номини абдийлаштириш мақсадида 2017 йил 24 майда ҳукуматнинг "Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини

ташkil этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Натихада, сентябрь ойида янги, замонавий таълим даргоҳи ўз фаолиятини бошлади. Унга адабиётни севувчи, Абдулла Ориповдек беназир ижодкорнинг издоши бўлишни хоҳлаган йигит-қизлар қамраб олинган. 2018 йил 29 январь куни Қашқадарё вилоятига ташрифи доирасида Президент мактабимиз фаолияти билан яқиндан танишди. Бундан ниҳоятда мамнун бўлдик. Айниқса, мен.

Чунки Шавкат Мирзиёев айнан менинг дарсимда "меҳмон" бўлди. Ўттиз дақиқа мобайнида Ибройим Юсупов, Муҳаммад Юсуф, Ҳамида Олимжон, Зулфия номидаги ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари билан онлайн мулоқот ўтказиб, мушоира уюштирдик. Давлатимиз раҳбари Абдулла Орипов ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини доирасида Президент мактабимиз фаолияти билан яқиндан танишди. Дарс якунида қўлимни маҳкам сиқиб: "Сиз шу мактабдан

камида Абдулла Ориповдек шоирларни етказишга ўз ҳиссангизни қўшингиз шарт. Бу дарс икки кунлик чарчовимни аритди", — деганида жуда ҳаяжонланиб кетдим. Зиммамдаги масъулият икки ҳисса ортганини ҳис қилдим. Юртбошимиз Абдулла Орипов музейи билан ҳам танишиб, уни янада бойитиш буйича кўрсатмалар берди. Шунингдек, синф хоналарига кириб, ўқувчиларнинг ҳар бири билан суҳбатлашар экан, маънавий етук шахслар

бўлиб камолга етиши, бунинг учун кўп китоб ўқиш ва Ватанни севиш кераклигини таъкидлади. Болаларга совғалар улашди. Айни дамдаги кечинмаларимни сўз билан ифодалаб бериш қийин. Ишончим комилки, бундай воқеа дунё таърибисиди камдан-кам кузатилади. Биз, педагоглар курсатилган эътиборга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз

**Муқаллас
АБДУЖАБОРОВА,
Халқ маорифи аълочиси**

ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА – ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш соҳада амалга оширилган ишлар таҳлили ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш буйича чора-тадбирларга бағишланди.

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давони вакиллари, ҳукумат аъзолари, шунингдек, МХХ марказий аппарати ва ҳудудий тузилмаларининг раҳбар ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда алоҳида таъкидландики, ҳамма замонда ҳар қандай давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан миллий хавфсизлик масалалари мамлакатимиз ички ва

ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси, наркотик моддалар ва қурол-яроғ воситаларининг ноқонуний савдоси каби трансмиллий таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда ушбу вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўтган даврда Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон суверенитетини, мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш ҳамда химоя қилиш ишларига салмоқли ҳисса қўшгани қайд этилди.

Бу, айниқса, бизнинг яқин ва узоқ ён-атрофимизда рўй берган турли инқирозлар, айрим бузуғчи кучлар томонидан мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга уринишлар содир этилган жуда оғир йилларда яққол намоён бўлди.

Шу билан бирга, йиғилишда Миллий хавфсизлик хизматининг фаолияти ҳолис баҳоланган ҳолда, унинг айрим бўлимлари ва ҳудудий бошқармалари фаолияти танқид қилинди. Идоралараро ҳамкорлик, тезкор ва қидирув тадбирларини ўтказиш, шунингдек, кадрлар билан ишлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Миллий хавфсизлик хизматининг таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш кераклигини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

САНЪАТИМИЗ ЯНА ЭЪЗОЗДА

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи биз, воҳаикларни қувонтирди. Шавкат Мирзиёев Шаҳрисабз шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви чоғида "Коба" маданият мажмуасида мақом санъати усталари билан учрашгани, айниқса, муҳимдир. Миллий мақом санъати халқ маданий меросининг ажралмас қисмига айланган. У зиннинг узоқ тарихи, фалсафий идишалари, бетакорр бадиий услуб ва ижро аъёналари билан маънавийтимизни бойитишга хизмат

қилмоқда. Бугунги кунда Ёшлар қалбиди юксак инсоний сифатларни камол топтириш, эстетик диди ва тафаккурини юксалтиришда ушбу бетакорр санъат турининг имкониятларидан фойдаланиш буйича мамлакатимизда кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг август ойида давлатимиз раҳбари Тошкентдаги Қатагон қурбонлари хотираси музейида учрашув ўтказганида ҳам Шаҳрисабзда мақом кечаларини ташкил қилиш буйича курсатма

берганди. Шундан сўнг 2017 йил 17 ноябрда Президентимиз "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Мазкур ҳужжатда 2018 йилдан бошлаб Қашқадарёда ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгиланган. Шаҳрисабзлик мақом ижрочилари билан кечган мулоқот пайтида Юртбошимиз: "Машҳур санъаткоримиз Юнус Ражабийдан кейин, афсуски, ҳеч ким мақом санъатини

ривожлантириш билан жиддий шуғулланмади. Мақом санъати усталари жуда кам қолган. Уларни қўллаб-қувватлашимиз керак", — дея таъкидлади. Бундай даъват биз, санъаткорларни янада кўпроқ меҳнат қилишга, устоз-шогирд аъёналарини давом эттириб, ёш авлодни мумтоз мусиқага ҳурмат руҳида тарбиялашга ундайди. Яна бир қувонарли жиҳати шуки, эндиликда ҳукуматимиз мақом санъати усталарига уйлор ажратди. Шунингдек, мақом ашула ва қуйлари ижро

этиладиган қадимги мусиқий асбоблар юртимизга олиб келиниб, ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди ҳамда республикамиздаги барча болалар мусиқа ва санъат мактаблари, санъат йўналишидаги ўрта махсус ҳамда олий таълим муассасаларига етказилди. Бу эса, ўзбек миллий мақом санъатининг янада ривожланиши учун тўртки беражак.

**Элмурод
БОЙМУРОДОВ,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган маданият
ходими**

TASHABBUS



Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши қошида "Маърифатпарвар ёшлар" клуби ташкил этилди. Янги тузилма ўз атрофида қалбиди ватанпарварлик туйғулари жўш ураётган йигит-қизларни бирлаштирган. Улар юз нафардан ортиқ. Аксарияти олий ўқув юртлири талабаларидир. Клуб аъзолари ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларнинг уйига бориб, ўз мутахассислиги буйича бепул таълим бермоқда. Бундан ташқари, имконияти чекланган болалар учун мусиқий

таълим, шахмат-шашка тўғараклари фаолияти йўлга қўйилди. — Халқимиз азалдан саховатпешалиги, меҳр-оқибатлиги билан ном қозongan, — дейди Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши бош мутахассиси Муҳтор Ҳайдаров. — Шу боис Ўзбекистонда вояга етаётган ҳар бир ўғил-қиз доимий эътиборда. Биз уларнинг жамиятда фаол бўлишига интиляпимиз. Тузилманинг олдида турган асосий вазифа ҳам шу.

**Зайфилдин
ЭСОНОВ**

УЮШМАГАН ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан вилоятдаги уюшмаган ёшларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш мақсадида ўқув марказларида олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўраётган ёшлар ўртасида норасмий фан олимпиадалари ташкил этилди. Илк фан олимпиадаси математика фанидан марҳум математик Улўбек Сағаиев хотирасига бағишлаб ўтказилди. Унда вилоятдаги ўқув марказларида тайёргарлик кўраётган 30 ёшгача бўлган уюшмаган ёшлар иштирок этди. — Ростини айтиш керак,

илгари вақтинча ишламайдиган ёки ўқимайдиган ёшлар билан ишлаш борасида амалий ҳаракатлар йўқ эди, — дейди Ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Ш.Сатторов. — Кейинги пайтларда бу борада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биз ҳам энди уларнинг эҳтиёж ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда, турли лойиҳаларни амалга оширишни режалаштиряпмиз. Мазкур фан олимпиадасининг саралаш босқичида 400 га яқин уюшмаган ёшлар иштирок этди. Якуний босқичда 37 нафар ёш математик голиблик учун баҳсқлашди. Тест синовии ва савол-жавоблар тарзида


ўтказилган танлов натижаларига кўра, Абдулазиз Тошпўлатов 1-уринни эгаллади. Маржона Сайдуллаева иккинчи ва Худойберди Шўҳратов учинчи ўринни қўлга киритди. — Бугун мен ва оила аъзоларим учун ажойиб кун бўлди, — дейди А.Тошпўлатов. — Фан олимпиадасида голиб бўлиб, диплом ва замонавий ноутбук билан тақдирландим. Очиги, бундай рағбатни сира кутмаган эдим. Ахир, ўқисам, билсам, ўзим учун-ку! Энди албатта ўқийман, олий маълумот олиб, танлаган соҳамнинг етук мутахассиси бўламан.

**Ў.БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири**

ESHITDINGIZMI?

ЯНГИ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ


Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигида Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши иш бошлади. У нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга. Янги тузилманинг асосий мақсади ёшлар манфаатларини ишончли химоя қилиш, уларнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар жараёнидаги фаоллиги, шунингдек, ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган. Кенгаш ёшларга оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда ҳам иштирок этади. Шу билан бирга



ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган йигит-қизларга судлар томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кафилиги асосида

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш механизмининг жорий этишда кўмаклашади.

УЧТА ИНСТИТУТДА СИРТҚИ БЎЛИМ ОЧИЛАДИ



2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент архитектура-қурилиш, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш ҳамда Наманган

муҳандислик-қурилиш институтларида сиртки (махсус сиртки) бўлимлар очилади. Бу ҳақда куни кеча Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган

"Архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларида сиртки (махсус сиртки) таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда кўрсатиб ўтилган. Махсус сиртки таълим тўлов-контракт асосида олиб борилади. Ўқишга архитектура ва қурилиш соҳаси ёки турдош йўналишларда камида уч йиллик амалий иш стажига эга ўрта махсус маълумотли фуқаролар қабул қилинади. Абитуриентлар "Давархитектурқурилиш" қўмитаси тавсияномасини олган бўлиши шарт.

ЭЪЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ МАСКАН

» TASHABBUS VA IJRO

ИМКОНИЯТ ҲАМ МЕҲНАТГА ЯРАША

Нурота кашталари Германия, Ҳиндистон, Туркия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Гуҳаё РАВШАНОВА,

Ёшлар иттифоқи Нурота тумани кенгаши бош мутахассиси

Халқимиз хунарни азалдан қадрият, деб билган, хунарликлар соғлом эъзозланган. Буғун ҳам шундай. Янада қувонарлиси, юртимизда миллий хунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратиляпти.

Бундай муносабат, бир томондан, бой маданий меросимизни асраш ҳамда бойитишга хизмат қилса, иккинчи томондан, аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларга қўшимча даромад олиш имконини беради. Шулардан келиб чиққан ҳолда 2017 йилнинг 17 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонини қабул қилди. Хужжатда хунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган



фуқаролар ва оилаларга қулай шароитлар яратиш, яъни, уларнинг давлат рўйхатидан ўтишида кўмаклашиш, ер майдонлари ва бинолар, имтиёзли кредитлар ажратиш, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек,

"Уста-шоғирда" мактабларини такомиллаштириш орқали иш ўринларини кўпайтириш, истеъмолчиларга хунармандчилик маҳсулотларини етказиб бериш учун бозор инфратузилмасини шакллантириш, экспортни йўлга қўйиш

каби муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Фармон ижроси юзасидан Нурота туманида салмоқли ишлар бажарилди. Хусусан, туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши, "Хунарманд" уюشمаси ҳамда "Микрокредитбанк" АТБ филиали билан ҳамкорликда 17 нафар ёш хунарманд (каштадўз, кулол, ёғоч ўймакорлари)га умумий

қиймати 180,5 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада, ҳудудда 24 та янги иш ўрни яратилди. — Ўн беш йилдан буён каштачилик билан шуғулланаман, — дейди Нурали Исломов. — Маҳсулотларимизга хорижда ҳам харидорлар кўп. Ҳозирда айрим намуналарни Туркия, Ҳиндистон, Германияга экспорт қилишимиз Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябридаги

фармони кучга киргач, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтдим. Менга имтиёзли шартлар асосида 50 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Шу маблагга кашта ипларини йиғирувчи замонавий ускуна сотиб олдим. Энди маҳсулотларимиз тури ва ҳажми ортади. Яна саккиз нафар коллеж битирувчисини ёнимга олиб, уларга иш ўргатмоқчиман.

ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА —
ШАҲС, ЖАМИЯТ ВА
ДАВЛАТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДИР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Махсус хизмат доирасига кирмайдиган вазифалар билан шуғулланадиган, бошқа давлат тузилмалари фаолиятини такрорлайдиган бўлинмаларни тугатиш, аяни вақтда миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини таъминлайдиган бўлинмаларни мустақкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон тараққиётининг Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган кенг қўламли вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг барча соҳалари давр талаби асосида туьдан ислоҳ этилаётган янги шароитда Миллий хавфсизлик хизматининг ақин келажакка муважжаҳланган устувор вазифалари белгилаб олинди.

Президентимиз Миллий хавфсизлик хизмати давлатнинг ҳуқуқ-тартибот органларидан бири сифатида ўзининг кўнахлик фаолиятини мамлакатимизнинг барча вазирлик ва идоралари учун асосий фаолият мезонига айланган "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган тамойил асосида ташкил этиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг "Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги қонуни ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Қонунда МХХнинг асосий функция ва вазифалари белгилаб берилади ва энг муҳими, унинг қабул қилиниши билан мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органларининг ваколат доиралари аниқлаштириб олинди.

Ҳар қандай жамоа, жумладан, МХХ иш фаолиятининг самараси ҳам қадрлар, биринчи навбатда, унинг

раҳбар ходимларига, уларнинг ўз бурчида садоқати, профессионал даражаси, меҳнатсеварлиги ва юқсак масъулиятига боғлиқ, деб алоҳида қайд этиди Президентимиз. МХХ бўлинмалари ўзининг ваколати доирасида халқимизнинг муаммоларини ҳал қилишга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотларига олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотларни амалга ошириш ишларига яқиндан ёрдам бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти МХХ ўқув юрталарининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларига ёш кадрларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакат қонунийлиги талабларига оғишмай риоя этиш, турли синовларга чидамли бўлиш, ўз устида мунтазам ишлаш ва профессионал маҳоратини узлуксиз ошириб боришга интилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишни қатъий вазифа қилиб қўйди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси этиб тайинланган муносабати билан Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов эгалаб турган лавозимдан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Республика Бош прокурори лавозимида ишлаб келаётган Ихтиёр Абдуллаев Миллий хавфсизлик хизмати раиси этиб тайинланди.

Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг бўлинмалари фаолияти самардорлигини янада ошириш бўйича масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

» AKS-SADO

ДАРДГА МАЛҲАМ
ҚАРОРМуҳиддин НОРМАТОВ,
Ўқорчи Чирчиқ тумани
тез тиббий ёрдам бўлими шифокори

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 25 январда имзолаган "Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиб, фуқароларга янада сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бериши билан юқори аҳамият касб этади. Фикримизни хужжатдаги: "Шошилич ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, мулкий шакли ва бошқарувидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида аҳолига бепул хизмат кўрсатилади. Ҳаёт учун хавф туғдирувчи ҳолатларда тиббиёт муассасаларига шошилич тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишни рад этиш тақиқланади", — деган жумлаларнинг ўзидеқ тасдиқлайди. Бошқача қилиб айтганда, эндиликда ҳамма турдаги — ҳам давлат тасарруфидоги, ҳам хусусий тиббиёт муассасалари кечиктириб бўлмайдиган биринчи тиббий ёрдамни бепул кўрсатишга мажбур. Дейлик, беморнинг юраги хуруж қилди.

Туман тез ёрдам бўлими эса, узокроқда жойлашган. Лекин ундан яқин масофада бошқа бир шифохона бор. Демак, оғир аҳолидаги бемор ўша ерга олиб борилади ва унга дастлабки ёрдам бепул кўрсатилади. Бундай дамба инсон ҳаёти қил устида туриши ва ҳар дақиқа ганимат эканини инобатга олак, қарорнинг аҳамияти янада ёрқин намоён бўлади. Бундан ташқари, мазкур хужжатда шошилич тиббий ёрдам бўлимлари моддий-техника базасини мустақкамлаш ва уларнинг бригадаларини дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминлашнинг янгиланган меъёрларини тасдиқлаш ҳам кўзда тутилган. Бу эса, кўрсатилаётган хизматлар сифати янада яхшиланишини аниқлатади. Ҳозирги кунда ҳар бир соҳада, айниқса, тиббиётда замон билан ҳамқадам бўлиш жуда муҳим. Президент қароридан тиббий ёрдам бўлимлари учун ягона Call-марказлар ташкил этишга алоҳида урғу берилганидан мамнунман. Демак, беморлар туну кун узлуксиз алоқа хизматидан фойдаланиши мумкин.

» OCHIQ MULOQOT

САРДОРЛАР ЖўЯЛИ
ТАКЛИФ БЕРДИ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Гулистон давлат университетига Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сурғарё вилояти кенгаши раиси шаҳар ва туман мактабларига сардорлар кенгаши аъзолари билан очик мулоқот ўтказди.

340 нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этган тадбирда сардорлар жорий йилги режалари билан бўлишди. Ҳудудлардаги муаммолар, уларнинг ечим, сардорлар кенгаши тузилмасини янада такомиллаштиришга доир таклифлар айтиildi. Гулистонлик ўқувчилардан ҳам жўяли фикрлар чиқди. Улар "Камалак" болалар ташкилотининг ҳар бир йўналиш сардори ёшларда етакчилик қобилиятини юксалтиришга қаратишган тўғрақ ва

клублар очса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Мулоқот давомида айрилган фикр-мулоҳазалар юзасидан вилоят ёшлар етакчиси Шавкат Зайнидинов ҳам ўз муносабатини билдирди. Шундан сўнг Сардорлар кенгаши аъзоларига "Иттифоқ" ва "Камалак" кўрак нишонлари тантанали равишда топширилди. Қолаверса, йил давомида тенгдошларига намуна кўрсатиб келган ўқувчилар алоҳида рағбатлантирилди.

» YUKSALISH

250 ИШ ўРНИ ЯРАТИЛАДИ

Наргиза
РАҲМАТУЛЛАЕВА

Анеор туманига "Bio Texno Eco" корхонаси ишга тушди. У йилга 182 млн тоннадан ортиқ чиққинчи йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш қўвватига эга.

Янги корхонада пластмасса, полиэтилен қувурлари, шиша қолдиқларидан мозаика ва плиталар, ёғочдан брикет, қоғоз чиққиндисидан картон ҳамда қоғоз, озиқ-овқат чиққиндиларидан эса, биогаз ва биогумус ишлаб чиқарилади. Айни пайтда 152 нафар аҳоли доимий иш билан таъминланган. Шундан 36

нафари ёшлар. Завод тўла қувват билан ишлаш бошласа яна 250 та янги иш ўрни яратилади. Энди уюшмаган ёшларни ҳам корхонага жалб этиш кўзда тутилган. Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сурхондарё вилояти кенгаши билан келишув имзоланди.

ЖАМИЯТИМИЗДА ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИ ВА ФУҚАРОЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ —
ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

2018 йил 31 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёнида прокуратура органлари томонидан қилинаётган ишлар ва улар олдига турган вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари прокуратура органлари олдига турган устувор вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Прокуратура органлари ходимлари ислоҳотларни самарали амалга оширишда ўзларининг бор салоҳияти, билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарурлиги таъкидланди. Қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг амалий ижросини сўзсиз таъминлаш прокуратуранинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланиши лозим.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори фаровон ҳаётимиз асоси бўлган тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритиши учун шароит-

лар яратиш прокуратура органлари томонидан қафолатланиши зарурлигига қаратилади.

Прокурорларнинг секторлар раҳбари сифатидаги фаолиятида энг муҳим вазифалардан бири одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш мақсадида ҳудудларни ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Давлат бошқарувини халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш прокуратура органларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев йиғилишини якунлар экан, прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юқсак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозимлигини алоҳида таъкидлади.


Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Президентининг Давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келаётган Отабек Муродов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.

ЎЗА

» FESTIVAL

ЖОНИН ФИДО ЭТАР ЙИГИТЛАР!



Малик СИНДОРОВ

Навоий вилоятда илк бор "Тинчликнингга жоним фидо, Ўзбекистон!" шiori остида ҳарбий-Ватанпарварлик фестивали ўтказилди. Ташаббус Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашига тегишли.

Лойиҳада вилоятдаги барча ҳуқуқ-тартибот органлари бошқармалари ходимлари, шунингдек, ҳарбий қисмларда йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар, Ёшлар иттифоқи қошидаги "Жасорат" клуби аъзолари қатнашди. Улар ўртасида югуриш, узунликка сакраш, ўқ отиш, тош кўтариш, турникка тортилиш, армистинг, мини футбол мусобақалари ўтказилди. "Заковат" интеллектуал ўйини давомиди эса, иштирокчилар ақлий баҳсга киришди.

— Яқинда ҳарбий қисмида Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти тузилди, — дейди Орифжон Маҳмудов. — Мен етакчи этиб сайландим. Энди 137 нафар аскарга маълум



маънода бошман. Сафдошларимизнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кўтариш учун кўпгина лойиҳалар ишлаб чиқяпмиз. Бугунги фестивал бошқа ҳарбий қисмлардаги ёшлар

етакчилари билан кўришиб, ўзаро тажриба алмашиш имконини берди. Шу баҳонада маданий ҳордиқ ҳам чиқариб олдик.

Фестиваль доирасида бўлиб ўтган белашувлар натижаларига кўра, "Энг яхши дарвозабон", "Энг яхши полвон", "Энг зукко билимдон", "Энг яхши футбол жамоаси", "Энг интизомли жамоа", "Энг ёш жамоа", "Энг шижоатли иштирокчи" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, вилоят ҳокимлигининг дипломлари билан тақдирланди. Энг фаол ҳарбий қисмлар вакиллари эса, Ёшлар иттифоқининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

» HOKIM VA YOSHLAR

МУАММОЛАР АЙТИЛДИ, ЕЧИМИ-ЧИ?

Сардор БЕКЖОНОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах бўйлаб "Ҳоким ва ёш фермерлар" учрашувларини ташкил этди.

Ўз таклиф ва муаммоларини айтиш учун Жиззах шаҳри ҳокимлигига Бахмал, Галлаорол, Фориш, Зарбдор, Зомин, Янгиобод туманларидан келган фермерлар йиғилди.

Даъватвал вилоят ҳокими Эргаш Солиев сўзга чиқиб, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, ер эгаларининг мушкулларини осон қилиш йўлида давлат томонидан олиб борилаётган савий-ҳаракатлар ҳамда соҳадаги инновацион ёндашув

лар ҳусусида тўхтади.

Шундан сўнг учрашув иштирокчилари билан очиқ мулоқотга киришилди. Ёшларнинг биронта савол ва муножотга эътиборсиз қолмади. Жумладан, олти нафар йигит-қиз шахсий ҳужжалигини ташкил этиш учун ҳокимдан ер ажратишни, бир нафари кредит, яна бири бўш турган бинони "ноль" қийматда олишда амалий ёрдам беришни сўради. Барча муаммолар тез орада ҳал этиладиган бўлди.



Вилоятнинг қолган ҳудудларидаги ёш фермерлар билан Э.Солиев Пахтакор туманида учрашди. Мазкур тадбир ҳам очиқ-ошкоралик руҳида ўтди. Ер эгалари қўшимча экин майдонларига эҳтиёжи борлиги, баъзилари банк ҳисоб рақамидаги пуллари ололмаётгани, қайсибир ҳудудларда фермерлар ўз даласи атрофи-

даги сув дренажлари анчадан буён яроқсиз ҳолга келиб қолганидан қийналаётганини айтди. Тадбирда агротехникани харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш масаласи ҳам кўтарилди.

Ҳоким ва бошқа мутасадди раҳбарлар ҳар қайси ҳолат юзасидан тегишли чоралар кўришга ваъда берди.

» SENING TENGDOSHING

СИНОВЛАР ТОБЛАГАН БОТИР

Дилноза АБДУҲАМИДОВА

Бугун юртимизда қай бир соҳага эътибор бермане, ҳар бирда ривожланиш ва юксалишни кўрасиз. Айниқса, сарф, ташаббускор ва фидойи ёшларнинг сони кўнган-кўн кўпаяётганини кўзларингиз билан ҳал қилинг.

Яқинда Навоий шаҳрида ўтказилган анжуманда анча вазмин, камгап, лекин кўзларида шижоат учкунлари порлаб турган ўспирин эътиборини тортди. Унга атрофдаги тенгдошлари ҳавас билан қарар, нималарнидир сўради. Ўзим ҳам қизиқдим, йигитни сўхбатга тортдим.

Танишинг, Асадбек Тошпулатов! Навоий шаҳридаги 7-умумтаълим мактабининг ўқувчиси. У эндигина 17 ёшга кирди. Навоий шаҳридаги қарамай қўл жанги ва Турон яккакураши бўйича жаҳон ва Осиё, бир неча қарра Ўзбекистон чемпиони бўлган.


Ун ёшидан спорт билан шугулланишни бошлаган Асадбек илк катта ютуғини 2015 йилда қўлга киритди. Сурхондарёда қўл

жанги бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Оилада уч ўғлимиз Биринчи устозим — акам, — дейди ёш спортчи. — Иккимиз машғулотларга қатнардик. Кейинчалик устозим Карим Холиқовдан жанг сирларини мукаммал ўргана бошладим. Ҳозир спорт кундалик ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланган.

Меҳнат, шижоат, ҳаракат... Буларнинг барчаси қаҳрамонлигини янги чўққилар сари етаклади. Бироқ, манзилга етмоқ осон эмас. Катта-кичик жароҳатлар, аламли мағлубиятлар... Ҳеч бири уни мақсаидан қайтарма олмади.

2016 йилда Асадбек кетма-кет



ғалабалар наҳидасини туйди. Аввалига Ўзбекистон чемпионатида ғолиб бўлди. Кейин Молдовада қўл жанги бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида, бироз вақт ўтгач эса Қозғистонда

бўлиб ўтган Турон яккакураши бўйича Осиё биринчилигида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўтган йил ҳам тенгдошимиз учун омадли келди. Даълат Тожикистонда ўтказилган Осиё, сўнгра Руминиядаги жаҳон чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритди.

— Заҳматсиз роҳат бўлмайдими, — дейди ёш спортчи. — Илк бор жаҳон чемпиони бўлганимда ҳаяжондан юрагим ҳўлқирганди. Буни сўз билан ифодалаш қийин. Тегралда Ватанимнинг байроғи ҳилираб турганини кўриб, ғурурим янада жўш уради. Аммо эришганимиз марралар ҳали бисёр. Ҳаракатдан тўхташ йўқ. Мақсадим — Олимпиада чемпиони бўлиш!

Фарзандлари Ватан шаънини юклатиб туриш, юрт равнақига ҳисса қўйишга интилаётган мамлакатнинг эртаси нурафшон бўлади, албатта. Бугун қийинчиликлардан чўчимай, мақсади сари дадил оидимлаётган Асадбекда тенгдошларимиз бор экан, Ўзбекистон юксалаверади. Бундай ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

» DOLZARB MAVZU

ВАТАНПАРВАРЛИК — МЕРОС ФАЗИЛАТ

Зоҳиджон ИСОҚОВ, подполковник, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ҳамда ёшлар билан ишлаш бўлими катта офицери

Дунё шиддат билан ўзгараётган, минтақалар ва давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва мадди равиё курашлар тобора кескинлашаётган бугунги шароитда мамлакатимиз ёшларини, жумладан, армияда хизмат қилаётган ўғлонларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш фойдага муҳим аҳамият касб этади. Шу боис жорий йилдан ёшларнинг барча қатламлари билан ҳарбий-Ватанпарварлик йўналишидаги ишларни олиб боришнинг тизимли механизми янада кучайтирилди.



Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилган. Унда тегишли тадбирларни ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари белгилаб берилди.

Ўрнатилган тартибга мувофиқ, давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини қарор топтириш, уларни фуқаролик ҳамда конституцион бурч ва

мажбуриятларини бажариш, эл-юрт манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга қаратилган мақсадли фаолияти тўрт bosқичда амалга оширилган лозим. Илк bosқич 3-7 ёш, кейингилари 7-16, 16-18 ҳамда 18-30 ёшлиларни қамраб олади.

Кўриниб турганидек, ватанпарварлик болага боғча ёшиданок сингадиларига қаратилган таълим муассасалари тарбияланувчиларига ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги шеър ва қўшиқларни ўргатиш, эртак ва ҳикоялар айтиб бериш,

театрлаштирилган сахна кўринишлари, мультфильмларни намойиш этиш, тегишли мавзуларда расм чизиш, шакллар ясаш танловларини ўтказиш, шу билан бирга, мактабга тайёрлов гуруҳларида мультфильмлар "Мен ҳам ҳарбий бўламан!" шiori остида эстафеталар, офицер, сержантлар, курсант ва Қўролни Кучлар фахрийлари иштирокида "Аскар (курсант) — мактаб меҳмони", "Аволодлар учрашуви" номли маънавий-маърифий тадбирлар, "Менинг дадам юрт ҳимоячиси" мавзусидаги учрашувлар, "Очиқ эшиклар кўни"ни ташкил этишга уру

"Тинчлик", "Мустақиллик" дарси" каби машғулотлар ўтилиб, "Темурбеклар" ҳарбий-спорт ўйинлари, "Ватанга хизмат — шарафли бурч!" мавзусидаги иншоолар ва расмлар танлови, махсус акциялар, ҳарбий қисмларга экскурсиялар уюштирилади. Қолаверса, муваддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар ва Қўролни Кучлар фахрийлари иштирокида "Аскар (курсант) — мактаб меҳмони", "Аволодлар учрашуви" номли маънавий-маърифий тадбирлар, "Менинг дадам юрт ҳимоячиси" мавзусидаги учрашувлар, "Очиқ эшиклар кўни"ни ташкил этишга уру

берилган. Чақирувга қадр бошланғич тайёргарлик фани таълимнинг кейинги bosқичлари — академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртиларида ҳам ўқитилишини эслатиш жоиз. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўқувчи ва талаба-ёшлар "Бургут", "Ёш чегарачи", "Ёш кўтқарувчи", "Ёш ўт ўчирувчи" ҳарбий-спорт ўйинлари, "Алломиш" ҳарбий-амалий спорт мусобақасида ҳам иштирок этади. Бундан ташқари, уларга ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги бадний ва ҳужжатли фильмлар намойиш қилиниб, шу йўналиш-

даги акциялар, "Очиқ эшиклар кўни" "Ватанимни кўз қорачиғидек асрайман", "Юрт тақдирим" — менинг тақдирим" мавзуларида иншоолар танловлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, Қўролни Кучлар фахрийлари иштирокида "Эъзоз", "Эхтиром" номли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маҳалла ва ташкилотларнинг ҳам фаоллиги муҳим. Бунда муваддатли ҳарбий хизмат оидий аскарлари иштирокида "Аскар — маҳалла меҳмони" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар, ёшлар билан офицер, сержант ҳамда курсантларнинг "Биз сиз билан фахрланамиз" мавзусида учрашув ва мулоқотлари, ёшларнинг кенг қатламини жалб этган ҳолда муваддатли ҳарбий хизматдан қайтганларни кўтиб олишга бағишланган "Маҳалламиз фахри" мавзусида, муваддатли ҳарбий хизматга қақирилганларни тантанали кузатиш олдидан эса, "Оқ йўл сенга, юрт ҳимоячиси!" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт марфонлари, фестиваль ва акциялар ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари қошидаги "Жасорат" клублари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, хорижга чиққан ёшларнинг ота-оналари билан мақсадли ишларни олиб боришга эътибор қаратилади.

Армияда йигитлик


бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун маънавий-маърифий тайёргарлик ва маънавий соатлари, ахлоқий-руҳий тайёргарлик ва ахборот бериш соатлари, жанговар тайёргарлик машғулотлари ўтииб, ҳарбий аъналарни, мамлакатимиз ҳаётидаги асосий байрамлар ва тарихий саналарни нишонлаш тадбирлари, танловлар, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари, экскурсиялар, ҳужжатли ва бадний фильмлар, махсус кўрсатувлар намойиши ва муҳокамаси, таниқли ёзувчи ва олимлар, фан ва санъат арбоблари, спорт намояндалари иштирокида ижодий учрашувлар, мулоқот ва маданий кечалар ўтказилади.

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини тизимли, bosқичма-bosқич ва самарали ташкил этиш мақсадида, аввало, ҳудудлар бўйича аҳолини тоифаларга бўлиб, улар орасидан уюшган, уюлмаган ҳамда узоқ муваддатга хорижга кетган ёшларни ажратиб олиш мақсадаги мувофиқ. Мазкур жараёнда ҳарбий бошқарув органлари тегишли вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсатини ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда Ички ишлар бошқармасининг масъул ходими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ҳудудий, маҳаллий кенгашлари, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлар етакчилари ўзаро яқиндан ҳамкорлик қилиши ижобий

натижага олиб келади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир чоралар кўмондон (командир)лар ва бошлиқ (раҳбар)лар томонидан шахсий таркиб билан олиб бориладиган ишларнинг ягона тизими ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги тадбирлар доирасида ташкил этилмоғи зарур. Бу ўринда Президентимизнинг: "Бугунги кунимиз ва келажакимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, ўз салоҳиятини намойён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш ҳамда уларни ҳақиқий ватанпарвар, ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялаш ишларида сусткашликка йўл қўйиш — бу уларга нисбатан хиёнатдир", — деган чуқур мулоҳазали фикрларини дастуриламал қилмоқ, аини мудлоо. Шундангина ташкил этилаётган тадбирлар ёшлар онги ва қалбига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг интеллектуал, ижодий ва касбий салоҳиятини рўёбга чиқариш, фаолигини ошириш, Ватан ҳимояси учун масъуллигини ангаптишга ёрдам беради.

Хулоса шуки, "Келажак буюк давлат қуришда ёшлар ҳал қилувчи кучдир!" деган қатъий тамойилга амал қилиб, тизимли ишларни изчил давом эттирсак, бу йўлда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилсак, албатта, кўзланган мақсадга етмаиз.



» BUGUNNING GAPI

Улугбек ОРИПОВ

Таҳрир "операцияси"

Туманимизда янги адабий журнал ташкил қилинганини эшитиб қувондим. Мен каби онда-сонда қоғоз қоралаб қўядиганларга яхши имконият-да. Ўзим олис қишлоқ мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берарман. Бир вақтлар камини машҳур ёзувчи ва шаҳар ҳафтаномасининг бош муҳаррири бўлишни орзу қилганди. Менга боғлиқ бўлмаган сабаблар, хусусан, онамининг тазйиқи билан шаштимдан қайтдим: мендек ёлғиз ўғилнинг беғона шаҳарда тентираб юриши ярашмас.

Хуллас, "ижод буловчи"дан анчайин узоқлашиб қолган пайтимда, юқоридидаги хушбар қалбимдаги кул босган чўғни титиб юборди, учқунлар миатирай бошлади. Тўғри, туманда ҳафтада бир марта базур чиқадиган газета ҳам бор. Аммо тўрт саҳифалик нашрининг нақ учдан икки қисмини маҳаллий "гурунлар", қолганини буюртма мақолалар ташкил қилади.

Адабиётга сал қизиқадиган мактабимиз ҳисобчисининг айтишича, адабий журнал ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилибди. Кўз олдимда дарҳол катта хона, бесаранжом журналистлар, тайёр саҳифаларни кўздан кечириётган муҳаррир гавдаланди. Дарҳол қоғоз-қалам олиб, ёзишга чоғландим. Гоя тайёр — маҳалламиздаги пиенистлар ҳақида ҳажвия ёзмадим! Соли пиён тилидан берсам, янада қизиқарли чиқишига ишончим қомил эди. "Қахрамоним" хушёр бўлса, насиҳат-гўйликда Кайковусга тенглашади, "уриб олган"дан кейин уришқоқ кўчқорга айланади-қолади. Нормурод пахсакаш эса, Солидан ҳам ўтади.

Ҳажвия жони чиқиши учун атайлаб бўрттирдим, ҳазил шеърлар қўшдим.

Айниқса, "Соли пиённинг яримтага дил изҳори" дуруст чиқди, назаримда. Талабаликдаги гайратим жўшиб кетди. Мактабдаги икки пулга қиммат қоғозбозлик, даволат борасидаги мажлислар, баъзи уквусиз болалар ортидан келаётган кўнгилсизликларни унутгандек бўлдим. Ручканинг қитирлаши, қоғознинг майда ва чиройли хат билан тўлиб бориши завқимни келтириб, ўзимни ростманга ёзувчидек ҳис қила бошладим.

Тун ярмидан ошганда ҳажвия битди, оққа кўчириб, топширишга тахт қилиб қўйдим. "Ижод" билан бўлиб, мажбуриятни унутиб қўйибман: эртанги дарслар конспекти ёзилмади, диктантлар ҳам текширилмаганди. Жуда кеч ўхладим. Тушимга журнал тахририяти кирди. Кенг, ёруғ зал, оппоқ деворлар. Салобатли эшикка "Бош муҳаррир", мундайроғига "Бўлим муҳаррири" деб ёзиб қўйилган. Негадир журнал жамоаси мени кўриб роса қувонди, мен бўлсам, ҳажвиям босилган сонни тутганча марғур турибман. Шу пайт ҳисобчи пайло бўлиб, сиртига "гонорар" деб ёзилган конвертни кўрсатди. Уни оламан деб қанча уринсам ҳам оёқларим юрмасмиш! Аксига олиб, томоғим хириллади, гапира олмайман...

Уйғонсам, танчанинг бир четига тикилиб қолган эканман. Тонг аллақачон ёришган, ташқарида сут баҳонасида чиққан кўшни хотиннинг ҳасрати қулоққа чалинди.

Шу кунни дарс ўтишга ҳам иштиёқ бўлмади. Охириги соат тугагач, тахририятга отландим.

Қоровул мени хўмрайиб кутиб олди. Пастқамгина бинога бир неча ташилот жойлашган. Лекин бу ер фэйзсиз, тасавуридагидек кенг ва ёруғ эмас. Амаллаб,

"Ниҳол" адабий журнаlining тахририятини топиб олдим. Бор-йўғи бир хонадан иборат тахририятда уч нафар ходим ишлаб ўтирибди.

— Мақола олиб келгандим, — дедим салом-аликдан сўнг.

Журнал ходимлари қувониб кетди, назаримда. Қўлзеъмани баланд кўтариб олдинга юрди. Билмадики, шундай қилса отаси ортидан эргашади. Ўлжабой ўғлига етиб олди-да, унинг қўлидаги нарсани олиш учун ёш боладек иргиллади. Аммо бўйи етмади. Ўлжабой-



» YOSHLIK ILHOMI

Фарзанд

Азамат ХАЙРУЛЛАЕВ

Ўлжабойнинг кўзи намланди. Ўғлига илтижоли нигоҳ билан термулди ва:

— Мен етимман, — дея унинг қўлига ёпишди. Ўғли қўлидаги нарсани баланд кўтариб олдинга юрди.

Билмадики, шундай қилса отаси ортидан эргашади. Ўлжабой ўғлига етиб олди-да, унинг қўлидаги нарсани олиш учун ёш боладек иргиллади. Аммо бўйи етмади. Ўлжабой-

нинг алами келиб, тўхтади. Ўғлининг раҳмини келтирмоқчи бўлди. Яна боғия гапини такрорлади:

— Мен етимман!

Ўғлининг авзойи ўзгарди. Ўлжабой овозига ясама хокисорлик бериб деди:

— Ҳов, мен етим ўсганман, етим!!!

У шундай деб кўксига қайта-қайта урди.

— Етим ўсганман. Шу

"YOSHLAR OVOZI" taqvimi



1 февралда Тошкент шаҳрида "Ҳикматлар олами" номи I Республика хаттотлик фестивали очилди. Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтётган форум уч кун давом этади. "Хунарманда" уюшмасининг мазкур лойиҳаси жамоатчиликни хаттотларимиз ижод намуналари (қўлзеъмалар, китоблар, миниатюра ва тасвирий санъат асарлари, рисолалар ва бошқа хунарманчилик буюмлари, муқовалаш ишлари) билан таништириш, фаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган.

3 февралда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Орган залда "Ўзбекистон ёш истеъодлари" камер оркестрининг концерти бўлиб ўтади. Унда Бах, Моцарт, Вивальди ва бошқа классикларнинг ажайиб мусиқий асарлари янграйди.



26 февралдан 2 мартгача пойтахтимиздаги "International" меҳмонхонасида "ADWEEK – 2018" — II маркетинг ва реклама ҳафталиги ўтказилади. Экспозиция ўн иккита тематик йўналишни ўз ичига олган.


Н.БАҲОДИРОВА тайёрлади.

MARKETING VA REKLAMA HAFTALIGI ADWEEK НЕДЕЛЯ МАРКЕТИНГА И РЕКЛАМЫ

» O'QING, BU QIZIQ!

Кўринмас зарра

Дунёдаги коинот жисмларидан тортиб, ҳайвонот ва наботот оламигача, ҳатто инсон ҳам майда зарралардан, яъни атомлардан таркиб топган. Улар шу даражада кичикки, кўз илгмайди. Атомларни кўриш учун эса махсус оптик асбоб (микроскоп)лар керак бўлади. Қоғозни олиб унга сиёҳ билан нуқта қўйдингиз,



уша нуқтада ҳам миллиардлаб атом бор. "Атом" атамасининг ўзи қадимги юнон тилидаги "атомос" сўзидан олинган бўлиб, "булин-

мас" деган маънони аңглайди. Демак, бундан атомни умуман бўлинмайдиган бир-бутун зарра экани келиб чиқади. Илк бор барча нарсалар зарралардан иборатлигини бундан тахминан 2 минг йил муқаддам яшаган юнон файласуфи Демокрит таъкидлаган. Орадан бир неча аср ўтиб, инглиз кимёгари Жон Дальтон атомлар ҳақидаги билимларни такомиллаштирди.

Ноҳирабегим ЖАМОЛОВА тайёрлади.

» BIR SHINGIL FALSAFA

Писанга

Биринчи бирозлар мақтанди: "Биласанми, мен сен учун жонимни бервораман, ўзимдан кечвораман".

Иккинчиси деди: "Ўзглигингни топганмисан, ўзи?"

Алам

Ўринсиз қўланган Сўз ичида ўйлади: "Юзи-га тарсаки тортиб юборсамми!?"

"Yoshlar ovozi" va "Молодежь Узбекистана" газеталари тахририяти жамоаси меҳнат фахрийси Абдуқошир НИЁЗОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

» HAYOT SABOG'I

Бир шиша сут

Бола эшикма-эшик юриб, турли буюмлар сотар, шу зайл мактабда ўқиши учун пул йиғарди. Кунларнинг бирида савбоси унчалик кўришмай, оч қолди. Нима қиларини билмай, бир хонадондан егулик сўрашга аҳд қилибди.



Эшикни ёш ва гўзал аёл очди. Бола овқат сўрашга ботинмай:

— Ичишга бир оз сув берсангиз, — деди.

Аёл боланинг оч қолганини сезиб, катта шишаи идишда сут олиб чиқиб берди. Бола сутни иштаҳа билан ичган, ҳар эҳтимолга қарши сўради:

— Сут учун қанча берай?

— Ҳеч қанча. Қарздор эмассан. Онам бизга савоб учун пул олманглар, деб ўргатган.

— Чин юракдан раҳмат сизга. Бола хонадонни жисман тарк этса-да, қалбдан шу ерга боғланиб қолибди. Орадан йиллар ўтиб, аёл хасталикка чалинибди. Маҳаллий шифокорлар

давосини тополмагач, уйдагилари уни катта шаҳарга олиб кетибди. Донги чиққан шифокор Ховард Келлига навбатга ёздиршибди.

Касалхонага ўзи туғилиб-ўсган шаҳарчадан келган бемор etkazилганини билган Ховард дарҳол уни кўрмоққа ошиқибди. Палатада ётган аёлни бир кўришдаёқ танибди. Сўнг хонасига қайтибди-ю, унинг тиббий варақасини ўқиб, даво излашга киришибди.

Аёл тузала бошлабди. Керакки муолажалар таъсир қилиб, ниҳоят, уйга руҳсат бериладиган вақт келибди. Ҳамшира тўлов қоғозларини олиб, аёлнинг ҳузурига кирибди. Аёл шунча пулни тўлашга қўрбим етса бўлди эди, деган ҳадик билан қоғозни аста очибди. Унда фақат битта жумла ёзилган эди: "Бир шиша сут эвазига тўловдан озод этилдингиз".

Негадир кейин қоғоз қораламай қўйдим.

Инглиз тилидан Ноҳирабегим ИБРОҲИМОВА таржимаси.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Қамолддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Ноҳир Абдуқоширов, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович

Навбатчи
Акбаржон Абдураимов

"YOSHLAR OVOZI"дан материалларни кўчириб босиб тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган қўлзеъмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда chop этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-236.
Адади — 28454

Босишга тўлов вақти — 21.00
Тошкент — 23.15
Ўқ. вақти — 23.25

Офсет усулида босилган.